“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзмиллийбанк” АЖ
Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси
Яшнобод БХМ
бошқарувчи в.б.
_____С.Н.Шеров

2026 йил “_____” июн

2026 йил “17” июн **Тошкент шаҳар**

“Ўзмиллийбанк” АЖ Яшнобод БХМ ходимлари
иштирокида ўтказилган Йиғилиш
Б А Ё Н Н О М А С И

Мажлис Раиси: “Ўзмиллийбанк” АЖ Яшнобод БХМ бошқарувчи в.б. **С.Н.Шеров**

Қатнашди: Бошқарувчи ўринбосарлари, бош бухгалтер, бўлим ва сектор бошлиқлари, масъул ижрочи ходимлар ва касса ходимлари.

Мажлисни ўтказди: Хавфсизлик ва режим бўйича бош мутахассис **Б.Шаюсупов**

КУН ТАРТИБИ:

“Ўзмиллийбанк” АЖ Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг 2026 йил 3 июндаги 01-423/09 сонли хатида “Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш” йўналишидаги белгиланган вазифалари ҳамда “Ўзмиллийбанк” АЖ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғининг фуқаролар, тадбиркорлар ва банк ходимларига йўлланган “Мурожаатнома”си.

Йиғилишни “Яшнобод” БХМ бошқарувчиси С.Шеров йиғилиш қатнашчиларини кун тартибидаги масалалар билан таништириб, сўзни Б.Шаюсуповга берди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Б.Шаюсупов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 26 декабр кунидаги Олий мажлис депутатлари ва Ўзбекистон халқига йўлланган “Мурожаатномасида” “Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш” йўналишида белгиланган устивор вазифалар ҳамда 2025 йил 30 декабр кунидаги ПФ-270-сонли Ўзбекистон Республикасида “Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш” тўғрисидаги фармоннинг тегишли бандлари ижросини таъминлаш талабларидан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш худудий Кенгаши мажлисининг 2026 йил 16 майдаги 3-сонли Баённомасида ижро учун белгиланган вазифаларни йиғилиш иштирокчиларига таништириб ўтди.

Йиғилиш давомида банк ходимларига “Ўзмиллийбанк” АЖ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғининг “Мурожаатнома”си ўқиб эшиттирилди, жумладан, Коррупция бу - демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказадиган, инсон ҳуқуқларининг

Ushbu blankda yozilgan xabarlar O'zbekiston Respublikasi Tashqi Iqtisodiy faoliyat Milliy bankiga moliyaviy majburiyatlar yuklamaydi.
No information in this letter any financial obligation in the name of the National Bank for Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan

бузилишига олиб келадиган, эркин бозор фаолиятига тўсқинлик қиладиган, ҳаёт сифатини ёмонлашиши ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик ва бошқа салбий ходисалар илдиз отиб кетиши ва гуллаши учун шароит яратиб берадиган иллат ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати орқали коррупциявий ҳуқуқбузарликлар бартараф этилади, мамлакатнинг барқарор ривожланиши таъминланади ҳамда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат қарор топади.

Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир фуқаро ва банк ходимининг ички аҳлоқий-руҳий маслаги ва эътиқодига айланиши керакки, бу коррупцияга қарши маърифатнинг ўзагини ташкил қилади. Қонун талабларининг тўлақонли амалга оширилиши мамалакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга, ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Суҳбат давомида, "Ўзмиллийбанк" АЖ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси жамоаси давлатимиз раҳбарининг "Коррупцияга қарши курашиш – барчамизнинг умумий бурчимиз" деган даъвати асосида ўз фаолиятида шаффофлик, холислик ва масъулият тамойилларига қатъий амал қилиб келаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Мамлакатимиз мустаҳкамлиги, халқимиз фаровонлиги, юртнинг ривожи ва гуллаб яшнашини, обод бўлишини истаган ҳар бир фуқаро ҳамда банк ходими пора олиш ва бериш иллатидан халос бўлиши, бир сўз билан айтганда "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланиши кераклиги тингловчилар эътиборига етказилди.

Коррупцияга қарши кураш давлат ва жамият бир ёқадан бош чиқаргандагина самара бериши, ҳар бир ходим ва мижоз банк тизимида адолат, очиқлик ва ишонч муҳитини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиши лозимлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Йиғилиш сўнгида Б.Шаюсупов юқоридаги "Мурожаатнома"ни ходимларга етказар экан, улардан ўз хизмат вазифаларига масъулият билан ёндошишларини, мижозлар билан хушмуомалада бўлишларини, ножўя хатти-ҳаракатларни амалга оширмасликларини, ҳамкасблар билан ўзаро муносабатларда хушфеъл ва хайрихоҳ бўлишликларини талаб қилди.

Шу борада БХМнинг раҳбар ходимлари ва бўлим бошлиқларининг ўрни катталигини алохида таъкидлаб, улар жамоада вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни профилактика қилишга қаратилган таклифларни ўз вақтида БХМ бошлиғига хабар бериб туришларини талаб қилди.

Ходимлар орасида коррупциявий холатларни олдини олишда бирдан бир чора – "Ўзмиллийбанк" АЖ бошқаруви томонидан берилаётган топшириқларни ўз вақтида сифатли бажариш, ҳар бир йўналиш бўйича чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тўлиқ риоя қилиниши лозимлиги билан боғлиқ эканлигини йиғилиш қатнашчиларига алоҳида айтиб ўтилди.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, Йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Ўзмиллийбанк" АЖ Яшнобод БХМда қонун бузилиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларда асосий эътибор банкнинг барча бўлим раҳбарларини банкка келиб тушадиган хужжатлар билан ишлашда ҳамда кредит хужжатларини расмийлаштириш ва кредит маблағларини ажратишда қонун талабларига риоя этишлик, сансалорликка йўл қўймаслик, банк мижозлари билан ишлашда банк раҳбарияти томонидан қўйилган талабларни оғишмай бажаришлик, қолаверса ўз қўл остида ишловчи барча ходимларни иш фаолияти устидан раҳбарлик назоратини кучайтиришлик масалаларига қаратилсин;
2. Банкнинг бўлим бошлиқлари ўз ваколат доирасида хизмат вазифасига кирадиган профилактик амалий тадбирларни жадаллаштириш, банкдаги мухит, ходимлар ўртасидаги

Ushbu blankda yozilgan xabarlar O'zbekiston Respublikasi Tashqi Iqtisodiy faoliyat Milliy bankiga moliyaviy majburiyatlar yuklamaydi.
No information in this letter any financial obligation in the name of the National Bank for Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan

муносабатлар, атрофдан келиб тушадиган салбий маълумотлар бўйича раҳбариятга зудлик билан тегишли билдирги, маълумотлар бериб бориш вазифалари юклатилсин;

3. Бўлим бошлиқлари ва шўъба мудирлари томонидан ўз ходимларининг хизмат мажбуриятларини қандай бажараётганини мунтазам равишда назорат қилиб бориш ҳамда ходимларнинг хизмат вазифаларига оид бўлмаган ишлар билан шуғулланишига йўл қўйилмаслик бўйича назорат ўрнатилсин. Шунингдек ҳар қандай ноқонуний фаолият турлари билан шуғулланишнинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида тушунтиришлар берилсин.

4. Бўлим бошлиқлари ушбу йўналишда қўл остидаги ходимлари учун шахсий ўрнак бўлишлари шартлиги доимо уқтирилсин.

5. Банк жамоасида соғлом муҳитни сақлаш, ходимлар ўртасида коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасизликни шакллантириш чоралари кўрилсин.

Йиғилиш котиби **З. Алимджанова**

Ushbu blankda yozilgan xabarlar O'zbekiston Respublikasi Tashqi Iqtisodiy faoliyat Milliy bankiga moliyaviy majburiyatlar yuklamaydi.
No information in this letter any financial obligation in the name of the National Bank for Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan

“Ўзмиллийбанк” АЖ Яшнобод БХМда ўтказилган ўқув машғулоти семинарида қатнашган ходимлар рўйхати:

№/№	Ф.И.Ш.	Имзо
1	Кадирова Мехриддин Шавкатовна	
2.	Алимджанова З.	
3.	Умурзакова Н.	
4.	Бегбутаева Ирода	
5.	Хўжатмуродов Азамат	
6	Умаржанова Г.	
7.	Юлдашева Д	
8.	Кобилова У	
9.	Новатова М	
10.	Саиповдиева М	
11	Нуритдинова Л	
12	Маматкаримова Д	
13	Ибадуллаева Д	
14	Ирисова И	
15	Абдумалев Х	
16.	Олмаберганова Д	
17.	Назарова Э.Р.	
18	Рустамов М.А	
19	Мирзажалалов А.А.	
20	Мухимов А.Б	
21	Умаралиева Шаҳлек	
22	Ахмадов Ғаффор	
23	Эркинов Мавлон	
24	Ражабов Ш.	
25	Мирзоахмедов Эргаш	
26	Ражабиддинов Ваҳоб	
27	Ашурбеков Абурайхон	
28	Ураздулов Г	

29	Эргешлиева Ф	
30	Абдулаева Я	
31	Сейтматова Д	
32	Жидачева К	
33	Мирсолотова Д	
34	Рузматова М	
35	Куконбаев Ш. Ф.	
36	Дтурсева Д.	
37	Ахмедова М	
38	Назаров А	
39	Селматова Д	

NBU
O'ZMILLIYBANK

NBU
O'ZMILLIYBANK
BIZ KORRUPSIYAGA QARSHMIZ!